

01/1-02-05-77
01.08.2022-й



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи в.в.б.**

Ш.Абдиев

**Вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилиш
БАЁНИ № 3**

2022 йил 1 август

Самарқанд ш.

Раислик қилувчи:

Абдиев Ш.А. - Вилоят статистика бошқармаси
бошлиғи в.в.б.

Қатнашдилар:

Суюнов А.А. - Бошқарма бошлиғининг
ўринбосари

Кенгаш аъзолари, бошқарманинг тармоқ бўлим бошлиқлари ва ҳудудий
статистика бўлимлари бошлиқлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тизимида
2022 йилнинг II чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги
устувор вазифалар тўғрисида.**

**(Ш.Абдиев, А.Суюнов, З.Давронов, тармоқ ва туман-шаҳар статистика
бўлим бошлиқлари, Ш.Абдиев)**

Кенгаш йиғилишини вилоят статистика бошқармаси бошлиғи в.в.б.
Ш.Абдиев очиқ деб эълон қилиб, кун тартиби билан йиғилиш
иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан бошқарма бошлиғи Д.Мусинов
маъруза қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил
22 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон
қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга доир Давлат
Дастури” доирасида тизим олдида белгилаб берилган топшириқларни сўзсиз,
сифатли ва ўз муддатида ижросини таъминлаш борасида 2022 йилнинг
II чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда статистика органлари олдида
турган келгусидаги устувор вазифалар ҳақида гапириб ўтди.